

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

*70712602 – Пилотаж-навигация мажмуаларининг авиация
электр тизимларидан техник фойдаланиши мутахассислигининг
малака талаблари*

Тошкент

ЎзР ОУМТВ

Буйруқ № 365

"25" 08 2021 йиљ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202¹ йил «24» 08 даги 4-сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 202¹ йил «25» 08 даги 365-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>70712602-Пилотажс-навигация мажсмуаларининг авиация электр тизимларидан техник фойдаланиши магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>70712602-Пилотажс-навигация мажсмуаларининг авиация электр тизимларидан техник фойдаланиши магистратура магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>70712602-Пилотажс-навигация мажсмуаларининг авиация электр тизимларидан техник фойдаланиши магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи</i>	4
1.2.1.	<i>70712602-Пилотажс-навигация мажсмуаларининг авиация электр тизимларидан техник фойдаланиши магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>70712602-Пилотажс-навигация мажсмуаларининг авиация электр тизимларидан техник фойдаланиши магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i>	4
1.2.3.	<i>70712602-Пилотажс-навигация мажсмуаларининг авиация электр тизимларидан техник фойдаланиши магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>70712602-Пилотажс-навигация мажсмуаларининг авиация электр тизимларидан техник фойдаланиши магистратура мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>70712602-Пилотажс-навигация мажсмуаларининг авиация электр тизимларидан техник фойдаланиши магистратура таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</i>	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	6
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув вараги.....	9

1. 70712602- Пилотаж-навигация мажмуаларининг авиаация электр тизимларидан техник фойдаланиши мутахассислигининг умумий тавсифи

70712602-Пилотаж-навигация мажмуаларининг авиаация электр тизимларидан техник фойдаланиши магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 70712602-Пилотаж-навигация мажмуаларининг авиаация электр тизимларидан техник фойдаланиши магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **70712602-Пилотаж-навигация мажмуаларининг авиаация электр тизимларидан техник фойдаланиши** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмuinи ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини хисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳукуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70712602-Пилотаж-навигация мажмуаларининг авиаация электр тизимларидан техник фойдаланиши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70712602-Пилотаж-навигация мажмуаларининг авиаация электр тизимларидан техник фойдаланиши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

- илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ академик, илмий-тадқиқот ва муассаса ташкилотлари;

- илмий-тадқиқот марказлари;

- илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари;

- олий ва ўрта маҳсус таълим тизимининг ташкилотлари;

- давлат бошқаруви органлари;

- авиаация электр тизимлари ва пилотаж навигация мажмуаларидан фойдаланиш техник хизмат кўрсатиш, саноат корхоналари мажмuinи камрайди.

1.2.2. 70712602-Пилотаж-навигация мажмуаларининг авиаация электр тизимларидан техник фойдаланиши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолият объектлари:

- техник хизмат кўрсатиш ва диагностика воситалари;

- авиаация соҳасида илмий тадқиқот ва лойиҳалаш жараёнлари;

- электр таъминоти ва тизими, борт назорати жихозлари, пилотаж-навигация мажмуалари, радиолакация, навигация, аэропорт жихозлари, парвозларни методологик таъминлаш, автоматик бошқарув тизимлари.

- технологик жараёнларни тадқиқот қилиш ва такомиллаштириш;
- илмий-тадқиқот жараёни;
- олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизими муассасалари.

1.2.3. 70712602-Пилотаж-навигация мажмуаларининг авиаация электр тизимларидан техник фойдаланиши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектларни:

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- консалтинг хизмати фаолияти.

1.2.4. 70712602-Пилотаж-навигация мажмуаларининг авиаация электр тизимларидан техник фойдаланиши мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.

70712602-Пилотаж-навигация мажмуаларининг авиаация электр тизимларидан техник фойдаланиши мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашв этиш;
- илмий мақолалар, маъruzалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;
- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолиятида:

- темир йўл транспорти (вагонлар) қисмлари, деталлари ва йиғма бирликларининг лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- бажарилаётган тажриба ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, ахборот ва виртуал моделларни ишлаб чиқиш ва уни тадқиқ қилиш;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- лойиҳаларни бошқариши, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириши, бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиши, лойиҳа жамоасини бошқариш;
- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил этиши ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиши ва уларни татбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- мутахассислик бўйича авиация соҳасида мавжуд ҳолатнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиш;
- авиаация соҳасига оид лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш.

2. 70712602-Пилотаж-навигация мажмуналарининг авиаация электр тизимларидан техник фойдаланиши мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-хуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўнкимларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни anglash, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўнкимларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алохида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни қўллай билиши;
- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиши ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;
- пилотаж навигация мажмуалари ва авиация электр тизимларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш бўйича кўникмаларига эга бўлиш;
- пилотаж навигация мажмуалари ва авиация электр тизимлари, уларни қисмларини лойиҳалаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;
- пилотаж навигация мажмуалари ва авиация электр тизимларини такомиллаштириш бўйича янги инновацион лойиҳалар ва технологик жараёнларни ишлаб чиқиши ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишини билиш;
- пилотаж навигация мажмуалари ва авиация электр тизимларидан самарали фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва қуриш технологияларини ишлаб чиқиши ҳамда таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- меъёрий-хукуқий хужжатларни иқтисодий экспертизадан ўтказишни билиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651.1/ 7

Гурӯҳ Т 55

ОҚС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабҳаси, магистратуранинг асосий таълим дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, навигация, локация, глобал, курс, крен, тангаж, стабилизатор, демпфер, радар, автопилот, гироскоп, монометр, барометрик баландлик ўлчагич, высотомер, расходомер, авионика, автоматик тизим, дифферент, флаттер, EICAS, автоматик тизимларни лойиҳалаш, ўқув-машқ мажмуаси, транспорт тизимлари, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот усуллари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария, виртуал лаборатория.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



202_ йил «___»
М.Ү.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Вазир ўринбосари  А.Муминов

202_ йил «___»
М.Ү.



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсонов

202_ йил «___»
М.Ү.



“Uzbekistan Airways Technics” МЧЖ

Директор в.б.  А.Гукасян



М.Ү.

И.Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Ректор  С.Турабджанов

202_ йил «___»
М.Ү.

